

Таникли англиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг номи (1907 — 1998) тарих ва адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Шоира, журналист, бир неча тарихий асарлар муаллифи сифатида у Буюк Британия ва Хиндистон адабий жамоатчилиги орасида ҳам ном козонган. Муаллифнинг турли мавзудаги олтмишдан ортик китоблари нашр этилган. Маргаретнинг отаси Артур Лейх Годен йигирманчи аср бошида Калкуттада жойлашган кемачилик компаниясида ишлайди. Бўлгуси адибанинг болалик чоғлари, аникроги, ўн икки йиллик ёшлик даври мафтункор, ривоят ва афсоналар ўлкаси бўлмиш Хиндистонда кечади. Маргарет ёшлигидан бу ўлкага чин дилдан меҳр кўяди. 1920 йили Годенлар оиласи Англияга кайтиб кетади, аммо Маргаретнинг Хиндистонга кизикиши давом этиб, бу ерга тез-тез келиб туради. 1929 йили Калкуттада байналмилал ракс мактабини ташкил этади, айти шу пайтдан бошлаб ўзининг дастлабки асарларини яратишга киришади.

М.Р.Годен каламига мансуб “Хитой жумбоги”, “Хоним ва хукмдор”, “Кора нарчис”, “Дарё”, “Хинд куёши остидаги икки киши”, “Шиванинг кабутари”, “Кора тулпор” каби асарлар муаллифга катта шухрат келтиради, уларнинг аксарияти асосида бадиий филмлар суратга олинган.

Бугун биз эътиборингизга хавола этаётган “Гулбадан” асари 1980 йили яратилган бўлиб, унда буюк шох ва шоир Захириддин Мухаммад Бобурнинг зийрак ва окила кизи, ноёб ақл-заковат сохибаси, теурий малика, муаррих Гулбадан бегимнинг хаёти ва фаолияти хакидаги маълумотлар муаллиф томонидан кизикарли илмий-публицистик йўсинда хикоя килинади.

Муаллиф Хиндистонда уч ярим асрдан зиёд вақт хукм сурган бобурийлар салтанатининг ёркин намояндаларидан бири бўлган Гулбадан бегим шахсиятини ўша даврнинг мураккаб ва долғали тарихий воқеалари, тожу тахт курашлари, инсон рухининг поёнсиз галаёнлари билан узвий боғлиқ холда, ўзига хос талкин ва махорат билан ақс эттиради.

Мазкур ноёб асар Бобур халқаро фондининг раиси, маърифатпарвар олим Зокиржон Машрабов бошлиқ илмий экспедиция сафарлари давомида хорижий мамлакатларнинг бирида кўлга киритилиб, юртимизга олиб келинди ва у кишининг ташаббуси, саъй-харакатлари билан англиз тилидан ўзбек тилига таржима килинди. “ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририятининг китобхонлар учун навбатдаги бу ажойиб совғасини (Бундан бир мунча аввал Захириддин Мухаммад Бобурнинг газаллари, рубоий, туюк, китъа, маснавий ва фардларидан жамланган “Сочининг савдоси тушди” сарлавхали тўплам мухлислар кўлига бориб етган эди) ўз она тилимизда ўқир эканмиз, таржимон Холида Сўфиева уни ўзбек тилига ўгиришда жуда катта меҳнат килганлиги, имкон қадар муаллиф услубини сақлашга, айти вақтда асарнинг ўзбек китобхони учун хар томонлама тушунарли ва манзур бўлишига харакат килганлигини сезамиз.

Умид қиламизки, ушбу тарихий рисола бобурийлар сулоласи, хусусан, унинг беназир фазилатларга эга бўлган ажойиб вакиласи Гулбадан бегим хакидаги тушунча ва тасаввурларимизни янада бойитишга хизмат қилади.

Куйида мазкур асарнинг шох Бобурга бағишланган боби билан танишасиз.

БОБУРШОХ

Темурийзода аммабегимларининг Хиндистонга келиб кетганидан Бобур шундай хулоса чикарди: демак, аёлларнинг бу ўлкага сафар килишлари ва эсон-омон етиб келишлари мумкин экан. Бундан ташкари, у ўз уйини, оила аъзолари ва кадрдонларини ҳам согинган эди. Бу ҳақда у шундай деб ёзади:

“Бу фурсатта бир ковун келтуриб эдилар, кесиб егач, гариб таъсир килди. Тамом йиглаб эдим, Кобулнинг номарбутлигини битилиб эди...”

Шундан сўнг у юкорида зикр этилганидек, фармони олий берди: “Яна бу хат етгач-ўк, эгачимни ва харамларни бат чикариб, Нилобкача бадрака бўлиб келинг. Керакким, ушбу хат еткач, ўшул хафтада хар неча кеч колсалар, албатта чиксунлар. Не учунким, Хиндистондин боргон черик тор ерда танкислик ҳам тортарлар, вилоят ҳам хароб бўлур”.

Бобур иродаси мустахам, катъиятли шахс бўлиб, ўз олдига бир мақсад кўйса, уни рўёбга чикармай кўймас эди. Гарчанд у шох бўлса-да, умри мудом сафар ва юришларда ўтарди. Бу юришлар давомида у бир жойдан иккинчи жойга осонлик билан кўчар эди. Унинг сафардаги асосий юки чодирлар бўлиб, улар киска муддат ичида мохирлик билан ўрнатилиб, зарур бўлганда осонгина йигиштириб олинарди. Кўшин ўзи билан олиб юрадиган жихозлар асосан гиламлар, лўла болишлар, чивин ва пашшаларни хайдаш учун ишлатиладиган хушбўй гиёҳлар тутатиладиган махсус мосламалар, китоб мутолааси учун лавҳлар ва идиш-товоклардан иборат бўларди.

Хукмдор сифатидаги юришларда у аслзода шахзолалар сингари ўзининг нуфузи ва мавқеини ифодаловчи рамзлар: алвон рангли соябонлар, байроклар, кўтос думидан килинган харбий туглар олиб юрарди. Кўпгина миниатюра расмларда у ана шундай туг остида тасвирланган. Бобур бошка зодагонлардан ўзининг камтарлиги билан ажралиб турарди. Юришлар канчалик оғир ва узок бўлмасин, бир неча ноёб китоблар хамиша унинг ҳамроҳи эди. У айникса, жанговар отлар, бакуват ва чидамли туялар, курол аслаха ва совутларни жуда эҳтиётлаб асрарди.

Лашкарни бир-икки соат ичида тўплаб, юришга шай килиш мумкин эди, лекин харам ахли учун бунга деярли бир хафта вақт кетарди. Хотин-халажларнинг кийимлари учун мўлжалланган сандикларсиз уларни жойидан кўзгатиб бўлмасди. Никох сарполари солинган сандикларни икки киши таёкка осиб кўтариб юришганини Хиндистонда хозир ҳам кўриш мумкин.

Аёллар кўрпа-ёстиклар, лўла болишлар, гилам ва пардалар, чорпоялару хонтахталар, ошхона жихозлари — козон-товок, косяю пиёлалар, патнислар, мусика асбоблари, болалар ўйинчоқларидан тортиб мактаб учун зарур бўлган ёзув-чизув жихозларигача — хамма хаммасини ўзлари билан олиб юрардилар. Кафасларда ўргатилган кушлар ва турли хайвонлар, бунинг устига, хар бири ўз юкини оркалаб олган юзлаб оксоч ва канизаклар ҳам улардан колмасликлари керак эди.

От ва туяларга кажавалар ўрнатилиши, бегимлар учун тахтиравонлар ҳам хозирланиши керак эди. Булардан кўриниб турибдики, сохиби тахтнинг “хат етгач, ўшул хафтада” йўлга отланилсин, деган фармонини амалга ошириш амри махол эди. Шу боис бўлса керак, малика Мохим бегим бошкалардан аввалроқ йўлга чикиб, айтилган муддатда манзилга етиб келган эди.

Бобурнинг тўнгич ўгли шахзода Хумоюн мирзо ва Комрон мирзога Бадахшон ва Кобулда қолиб салтанатнинг шимолий худудларини бошқариш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси топширилган эди.

Бобур Бадахшонда турган Хумоюн мирзога хат йўллаб, унга исён хавфидан оғох бўлишни, гофил колмасликни уқтирди. Кобулда қолган Комрон мирзога эса ўзининг аслзодалик мавқеига мос келадиган ишлар билан шугулланишни насиҳат қилди. Комрон ўша йиллардаёқ қилдан қийик ахтариб, турли жанжаллар чиқариб туришга мойил эди. Аскарый мирзо бу пайтда отасининг буйруғига биноан ўз лашқари билан Бенгалияда эди. Хиндол мирзога эса харамни Кобулдан Аграга қўчириб келиш тайинланган эди. Гарчанд Хумоюнни гоят ардокласа-да, Бобур тўртинчи ўгли Хиндолга ҳам алоҳида меҳр билан қарарди.

У яқиндагина Хумоюн билан Комроннинг никоҳ тўйларига “ўн минглаб тўёнлар” тортик қилган, Аскарыйга ноёб тулпорлар, қурол-аслаха, олтин ханжар ва совут юборган эди. Хиндолга эса, унинг ўзи қаби шоир бўлишини орзу қилиб, қимматбаҳо тошлар қадалган давот — сиёҳдон, йирик дуру гавхар билан безатилган курси ва алифбо, шунингдек, ўзининг хос буюмларидан сопиға ёқут қадалган ханжар, қамар ва бир нимчасини совға қилди. Лекин Бобурнинг ҳам, Гулбаданнинг ҳам хотираларида подшоҳнинг бу жажжи қизалокка бирон нарса ҳадя этгани ҳақида сўз юритилмайди. Бу қизча отасидан бирон ҳадя қутмаган бўлса ҳам эҳтимол. Чунки унинг учун бировларга эргашиб бўлса ҳам подшоҳ отасининг ҳузурига қириш ва унинг дийдорига муяссар бўлиш хар қандай ҳадядан аъло қўринар эди. Шу боис бўлса қерак, падари бузруквори ҳузурига бу юриш унга худди ҳаж сафаридек муқаддас ва ҳаяжонли туюларди. Негадир Гулбадан ўзининг ҳаж сафари ҳақида хотираномасининг ниҳоясидагина жуда қиска ҳабар беради.

Шу тариқа малика Мохим бегим январ ойида Хиндистон сари йўлга қикди. Сафар йўли Кобулнинг баланд қоялар устига жойлашган қўплаб қатта-қичик қишлоқлари орқали ўтиши лозим эди. Бу қишлоқлар қалин паҳса деворлар билан ўралган бўлиб, уларни оралаб юриш маҳол эди. Йўлнинг қалин қор ва музликлар билан қоплангани йўл азобини янада қучайтирарди. Онда-сонда дарёнинг қичик қўлчаларга қуйиладиган жойларидан қесиб ўтишга тўғри қеларди. Хойнахой, ёз ойларида бу қўллар сувға тўлиб, қўм-қўқ манзара ҳосил қилса қерак. Бутун сафар давомида Хиндиқуш тоғининг қалин қор билан қопланган тизмалари қарвон қўз олдида ястаниб ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Агар қарвон Жалолобод орқали юрганда эди, сайёҳлар яйдок қир-адирлар оша ям-яшил майсалар билан қопланган воҳа орқали Хайбар довоининг юқсақ қоялар ва ўтиб бўлмас тик жарликлари бўйлаб юрган бўлардилар. Бу ерларда маҳаллий қароқчиларнинг ноғаҳоний ҳужумларига ҳам дуч қелиш мумкин эди. Айнан мана шу жой, янги ерга, янги иқлимға йўл оқадиган дарвоза бўлиб, сафардаги аёллар уфқда қўқимтир товланиб қўзға ташланадиган бепоён текисликларни илғаган бўлишлари қерак.

Мохим бегим иқкита, баъзан эса тўртта от устига ўрнатиладиган қажаванда, баъзан эса маҳофада йўл босарди. Йўл текисроқ бўлган жойлардан ўтишда маҳофани қўтариб юривчи хизматқорлар тезроқ ҳаракат қилардилар. Нима бўлганда ҳам қарвон жуда секинлик билан илғариларди. Баъзан эса ўн қадамча бўлган қуруқликдаги масофани аёллар учун хавфли бўлгани боис, эрқаклар Қобул дарёси орқали солларда бир неча соат давомида босиб ўтардилар. Шуниси қишини ҳайратға соладикки, ўша пайтларда қўпчилик аёллар синғари Мохим бегим ҳам сузишни биларди.

Қанизақлар ва қўрилар учун маҳсус қажава ёки маҳофалар бўлса ҳам, уларнинг қўпчилиги отда юрарди. Баъзан жажжи Гулбадан Мохим бегимнинг қажавасидан

чикиб, хизматкор аёл, кул ёки бирон навкарнинг эгарига мингашиб сайр килган бўлиши хам керак. Махсус сокчи навкарлар, албатта, карвонни кўриклаб бориши шарт эди.

Гулбаданнинг асосий вазифаси турли латифалар, кизик хангомалар билан Мохим бегимнинг ўкинч тўла кўнглини кайгудан бир оз чалгитиш эди. Чунки Бобур Хиндистон сари юришга кетган 1525 йилда муддатидан илгарирок, шахзода Фаррух мирзо дунёга келган эди. Чакалок нозик бўлганидан икки ёшга етмай дунёдан кўз юмади. Мохим бегим уни подшоҳ отасига кўрсатиш иштиёки билан ёниб турган бир пайтда ана шу кўнгилсиз ходиса юз беради. Шу боис Мохим бегим куюниб, юрак-багри эзиларди. Гулбаданнинг юмуши эса, одатдагидек, таскин-тасалли бериб унинг кўнглини кўтаришдан иборат эди. Бу эса, табиийки, осон иш эмасди.

Эхтимол, садокатли Сарвқад ўз кўшиклари билан уларнинг дилларини бир оз гамдан холи килгандир. Эхтимол, навкарлар хам юришларда айтиладиган зафарона кўшикларини куйлашгандир. Нима бўлганда хам, карвон гоҳ тўхтаб, гоҳ юриб аста-секинлик билан кундан-кун илгари кадам ташларди. Кундузи йўл юриб, тунлари Бобур чопарлар ва карвонлар учун махсус курдирган карвонсаройларда дам олинарди. Бу манзилларда от-улов учун бошпана, ем-хашак, кудук ва чайлалар мавжуд эди.

Кечалари карвоннинг шовкин-сурони атрофга таралади: отлар тўғининг дупури, кафасдаги паррандаларнинг дон-дун талашиб кагиллашлари, кўрикчи итларнинг вовуллашлари, карвон жойидан кўзгалгандан кейин ташлаб кетилган овқат колдикларини талашиб еяётган чиябўриларнинг увиллашлари узокдан кулокка чалиниб турарди. Шунингдек, уйкудаги харам ахлига халакит бермаслик учун паст овозда гапираётган эркаклар ва сокчиларнинг овозлари хам эшитилиб туради. Хавода эса оловга ташланган тезак хиди анкийди, козонларда пишириляётган овқат хиди димокка урилади.

Эхтимол, Гулбадан кечалари ҳеч кимга сездирмасдан ташкарига чикиб, Хиндистоннинг юлдузларга тўла улкан осмонига тикилиб-тикилиб ўтирган бўлса ажаб эмас. Хар куни от устидаги чайкалишу силкинишлардан у хам, шубҳасиз, каттик толикади. Карвон пасттекислик жойларга етганда хаво янада мусаффо тус олиб, кишига хузур багишлайди. Шимолий Хиндистонда феврал ойида хаво хануз совук, аммо кундузлари илик бўлади. Хинд дарёсидан карвон қандай ўтганини ҳеч ким билмайди. Дарёнинг нариги киргогига, эхтимол, солларда сузиб ўтишган бўлишлари мумкин.

Карвон ҳозирги пайтда Мўлтон ва Панжоб номи билан аталадиган тупроги унумдор худудга кириб келаётган эди. Мохим бегим ва хамрохлари оралаб ўтадиган бу ердаги кишлоклар ва шаҳарлар атрофи эндигина униб чиккан галлазорлар, гуллаётган бодомзор ва мевазорлар билан ўралган. Хар куни янги, гаройиб бир ходисага дуч келардилар. Булар хақида Гулбадан ҳеч нарса ёзмаган бўлса хам, кундан-кун унинг нигоҳи қаршисида одамни лол қолдирадиган янги-янги гўзал манзаралар очиларди.

Афгон юртида у омоч кўшиб хайдаш учун ишлатиладиган таргил хўкизларни кўришга одатланиб қолган эди. Бу ерда эса асосан сув чиқариш мақсадида ишлатиладиган, шохлари афгон хўкизларининг шохидан хажман уч марта йирикрок бўлган кўтосларни учратди. Маймунлар, улар умрида кўрмаган турли кушлар, дарахт шохида ўтирган ажойиб товуслар карвон ахлини хайратга соларди. У палма дарахтларини, кокос ёнгоғи ва хурмо дарахтини, шакаркамиш, нон ва папайя дарахтларини, ёнгоқларнинг бител ва арёка деб аталган турларини, банан ва хурмонинг бошқача турларини хам учратди. Кизик, илгари у ҳеч банан татиб кўрганмикан?

Кечалари чор-атрофдан бузукбоши, чигиртка ва бошқа хашаротларнинг чириллаши,

шунингдек, пашшаларнинг гувиллаши эшитилиб туради. Ўзлари билан бирга пашшахоналарини олиб келган аёллар хотиржам ухлайдилар. Бунинг устига, чорпоялар остига хашаротларни хайдайдиган хид таратувчи турли ўсимликлар шохлари тутатиладиган кулдонлар кўйилади. Бахор ойларида хиндларнинг уйларида ёки ёзги кароргохларидан ана шундай хид уфуриб туради.

Сафар тафсилотларини Мохим бегимнинг Бобурга юборган хатидан билиб олса бўлади. Чопарлар тезкорлик билан ҳаракат қилсалар ҳам бу хатни эгасига етказиш учун бир ой, балки бундан ҳам кўпроқ вақт зарур бўлгандир.

Апрел ойининг биринчи кунда Бобур Мохим бегимнинг Хинд дарёсига етиб келгани ва унинг навкарлар сардори томонидан кутиб олингани ҳақида хабар олди. Карвон манзилга яқинлашган сари ҳар сафар тўхтаган жойда унинг уч-тўрт кун қолиб кетишига тўғри келарди. Чунки кажав ва махофаларни кўтариб юривчи хизматкорлар ҳам, отлар ва юк ортилган жониворлар ҳам тез орада холдан тойиб қолар эди. Олга юрган сари одамларнинг юзига иссиқ ҳаво тафти уриларди, баъзан кўтариладиган тўфондан кўз очиб бўлмасди, кийим-кечак ва сочлар орасига чанг ўтирар, одамлар ва отлардан аччик тер хиди анкиб турардики, Мохим бегимнинг атир-упалари ҳам бу хиддан фориғ бўлиш имконини бера олмасди. Малика ўтирган махофа атрофи пардалар билан маҳкам ўралгани боис унинг ичи дим ва нафас олиш маҳол эди.

Нихоят, июн ойининг 27-кунда карвон Аграга яқинлашиб қолди ва ана шу кундан эътиборан Гулбадан сафар тафсилотларини шундай деб давом эттиради: “Онам ҳазратлари Кўл (ҳозирги Алигарх) шаҳрига етиб келганларида подшоҳ бобом уч отлик киши билан иккита кажав юборибдилар. Биз дарҳол Агра томон йўл олдик. Подшоҳ ҳазратлари бизни Кўли Жаломийда кутиб олиш ниятида эканлар. Лекин аср намози пайтида бир киши келиб: “Бегимни икки қуруқ нарида қўрдим”, дебди. Подшоҳ бобом хатто отини эгарлашларига ҳам тоқат қилмай, пиёда йўлга чиқиб, келиб онам ҳазратларини кутиб олдилар. Онам оддан тушмоқчи бўлдилар-у, лекин бобом қўймасдан ўзлари онамнинг отлари жиловидан тутиб, ўз уйларига етгунга қадар пиёда келдилар”.

“У киши ортиқча кутиб тура олмасдилар”. Афтидан, Бобурнинг Мохим бегимга бўлган муҳаббати чексиз эди. Шу боис бўлса керак, учрашувнинг илк дамларида Гулбадан билан қўришишга ошиқмадилар. Ярим кечагача қизалоқ карвон тўхтаган кароргоҳда қолиб қетди. “Онам подшоҳ бобомнинг ҳузурига кетаётганларида, менга “Қундузи келиб, ҳазрат билан қўришгин”, деб тайинладилар”.

Гулбадан ўшанда шох сулоласига мансуб аслзода бўлиш нима эканлигини илк бора ҳис қилган бўлса керак. Унинг ихтиёрига “... тўққизта туя, икки тўққиз от, иккита қўшимча кажав” юборилган эди. Бир махофани Қобулдан олиб келган эдилар. Умуман, онамнинг юзга яқин мўгул хизматкорлари қўп зеб-зийнатлар билан безатилган чопқир отлар минган холда келдилар.

Подшоҳ бобомнинг вазири (халифа) ўз хотинлари билан бирга Навчирон деган жойда менга пешвоз чиқдилар. Мен махофада ўтирар эдим. Энагаларим мени қичик бир бокка туширдилар. Бир гиламни ерга ёзиб, мени гиламга ўтказдилар. Бобонг ўзининг халифаси билан келганда, ўрнингдан туриб қўришгин, деб тайинладилар. Бобомнинг халифаси келиши биланок, ўрнимдан туриб қўришдим...

Бобомнинг халифаси менга ҳар бири ярим рупий қийматга эга бўлган беш минг шохрухий пул ва бешта от ҳадя қилди. У кишининг хотинлари Султоним эса, уч минг шохрухий ва учта от бериб, нонушта тайёр, агар овқатлансангиз, биз бандалар жуда мамнун бўлар эдик, деди. Бу таклифни қабул қилдим”. Бу вазиятда Гулбадан таклифни

албатта кабул килиши шарт эди. Акс холда ўртада нокулай вазият юзага келиши мумкин эди.

“Бир яхши жойда катта супа килинган ва бир неча чодирлар ўрнатилган бўлиб, улардан биттасининг устки кисми майин кизил мовутдан бўлиб, ички кисми Гужарот зарбофи билан копланган эди. Яна соябон шаклидаги олтига чодир ўрнатилган бўлиб, улар ҳам майин мовут ёки зарбофдан килинган эди. Уларнинг хар бири турли рангга бўялган эди. Бошка тўрт устунлик шохона чодирлар ҳам майин мовутдан тикилган бўлиб, уларнинг устунлари хар хил рангда эди”.

“Нонушта” деганлари нонушта эмас, балки кўпрок зиёфатга ўхшарди. Элликка якин кўй сўйилиб, ковордук пиширилган эди. Нон ва турфа хил мевалар, шираворлар ва шарбатлар мўл-кўл эди.

Бундай зиёфатларда тухум дўлмани товук, гоз ёки кирговул корнига сўнгра уни сўйилган куён корнига тикиб, ер ўчокда димлаб пишириларди. Сўнгра бутун бошли кўй бутунича пиёз, бодом, писта ва майиз аралаштириб тайёрланган зирвак билан улкан лаганларда дастурхонга тортилган. Унинг ёнига мўгулий девзира гуручи, кўйнинг калласи, пишлок ва заъфарон кўшиб тортилган.

Шохона патирлар энг олий нав ундан хамиртуруш, сут ва бир оз шакар кўшиб ёпилган. Зиёфат охирида хонтахта ёки гилам устига ёзилган дастурхонларга патнисларда пўчоги арчилиб, тозалаб, тиликланган ёки устига шакар сепилган апельсин, ўрик, ёнгок каби мевалар тортилган. Эхтимол, Гулбадан мангодан ҳам тотиб кўрган бўлиши мумкин, чунки ўша пайтда айни манго пишган пайт эди.

Жажжи малика бундай дабдабали дастурхон устида одоб юзасидан каддини ростлаб, тик ўтириши лозим эди. Факат ўгил болалар ва эркакларгагина лўлаболишларга суяниб ўтиришга изн берилган эди. Шуниси кизикки, ўтган тунда Гулбадан мижжа кокмай тонг оттирди. Шу боис уни уйку тортиб, боши куйи эгилгудай бўлса, шохона елпигичларда унинг пашшасини хайдаб ўтирган канизаклар ёки энагаларидан бири астагина туртиб, ўзига келтириб кўярди.

“Нихоят, овкатланиб бўлгач, — дея ўша узок давом этган зиёфатни олтмиш йилдан сўнг эслаб хикоя килади Гулбадан, — мен махофага ўтириб, хазрат подшоҳ бобом хузурига бориб кўришдим ва ўзимни унинг пойига ташладим”. Бу буюк хайрат онлари эди. Кизалок учун бу нотаниш ота нафакат кахрамон, балки подшоҳ, шаханшоҳ, хадиси шарифларда айтилганидек, “Аллохнинг ердаги сояси” эди.

“Мен ўзимни унинг пойига ташладим...” деб ёзади Гулбадан. Лекин отаси Бобур табиатан дилбар шахс бўлгани сабабли, аёллар ва болаларга нисбатан хамиша саховат ва мулойимлик билан муомала киларди. “Хазрат кўп холу ахвол сўрадилар”, — деб давом этади Гулбадан. Кизалок калбидаги хадиксираш ва тортиниш туйгулари аста-секин чекина боради.

Бобур ҳам ўз навбатида гойибдан пайдо бўлиб колган ва ўзининг окила ва мафтункорлиги билан уни хайратга солаётган бу кизчага мафтун бўлиб колган эди. “Ул хазрат анчагача мени багрига босиб, тиззаларида олиб ўтирдилар ва мен хакир шу онларда ўзимни шунчалик бахтли хис килдимки, буни тасаввур этиш кийин”.

* * *

Бобур ўз хотираларида Аграни “бесафо ва хароб ер” деб таърифлайди. Хакикатан ҳам, Жамна дарёсидан эсадиган шабадага юз тутиб турадиган бу шаҳарни Кизил калъа ва Тож Махал макбараларисиз шаҳар сифатида кўз олдимизга келтириб бўлмайди. Ана шу бинолар Аграни бутун дунёга машхур қилган. Бобур бу ерга келганда Марварид масжиди ёки Жасмин минораси хали қурилмаган бўлса-да, ўзининг гўзалликка, аслзодаларга хос турмуш тарзига ва, албатта, сувга бўлган иштиёқи туфайли Бобур бу ерларга ободончилик уруғларини қадаган эди. “Аграга келгандин бир неча кундин сўнг, — деб ёзади у “Бобурнома”да, — ушбу маслаҳатка Жун суйидан ўтуб, бог ерларини маслаҳат қилдук. Андок бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз жарохат ва нохушлиг била андин убур эттук. Бу ернинг макрухлиги ва нохушли гидин чорбог хаёли хотирдин чикди. Мундин ўзга мундок ёвук ер Аграда чун йўқ эди. Неча кундин сўнг зарур бўлиб, бу ерга-ўқ илик қўюлди”.

“Аграда сув бўйига иморатлар бино қилишни буюрдилар. Тошдан ясалган бу иморатни — ўзларининг хилватхоналарини харам ва бог ўртасига солишни буюрдилар, — деб давом этади Гулбадан. — Бу бинонинг ўртасига ховуз ва бино атрофидаги тўрт бурчагига хужралар қилинди, дарё қирғоғига бир шийпон қилинди”.

Бобур Аградан жануброкда жойлашган Секри ва Дўлпур шаҳарларида ҳам боглар барпо этишга фармон берган эди. Уларни Мохим бегимга фахрланиб қўрсатди.

“Аграга келганимиздан кейин уч ой ўтгач, подшоҳ хазратлари Дўлпурга кетди. Хазрат Мохим бегим билан мен ҳам сайр қилиш максидида Дўлпурга жўнадик. Дўлпурда бир бутун харсанг тошни ўйиб, мўъжаз бир ховуз ясалган эди. ... ховуз қачон тайёр бўлса, уни шароб билан тўлдираман, дер эдилар. Рона Санга билан бўлган жанг олдидан шароб ичишдан тавба қилганликлари сабабли, ховузни нукул лимон шарбати билан тўлдирардилар”. Шарбат тўла тошховуз қизалок учун ҳам ажойиб туюлган бўлиши табиий.

Бу сурурли кунлар харамнинг қолган қисми етиб келгунча Мохим бегим билан Гулбаданнинг подшоҳ хазратлари ҳузурида ором билан ўтказган фарахбахш ва ганимат дамлари бўлган эди. Афсуски, Гулбадан шахсан ўзи хақида жуда кам ёзган, ёзганлари ҳам кўпроқ шу кунларга тааллуқлидир. Айнан ана шу кунларнинг бирида Гулбаданнинг бир қўли қаттиқ лат еган эди.

Секри шаҳрида бунёд этилган богда Бобур яна бир шийпон ва унинг устига пашшадан сакланиш учун товурхона (товур — тўр дегани — тарж.) қурдиради. Бобур бир куни бу богда Куръон ўқиб ўтирар экан, Мохим бегим билан Гулбадан, уларнинг жориялари ҳамда подшоҳнинг тўртинчи хотини Биби Муборака бегим ҳам ўша богнинг этак қисмида дам олаётган эдилар. Биби Муборака Қобулдан Мохимбегим ва Гулбадан билан бирга келган бўлиши ҳам мумкин. Лекин унинг номи ҳеч қаерда тилга олинмаган. Эҳтимол, у энг кичик суюкли малика бўлгани ва хали фарзанд кўрмагани боис, Бобурнинг сафарларида, ҳатто жангга отланганида ҳам унга ҳамроҳлик қилиб юрган бўлиши мумкин. Унинг Бобурдан бошқа суянадиган бирон яқин кишиси йўқ эди, қолаверса, у сафар қийинчиликларига бардошли аёл эди. Аслида, бир оз дагалроқ бўлиб, Гулбаданнинг қўлини чиқариб қўйган ҳам у эди. “Мен ва Афғоний оғача (Биби Муборака) охирги эшик олдида ўтирган эдик, онам намоз ўқимок учун туриб кетган эдилар. Мен Афғоний оғачага “Қўлимдан тортинг”, дедим. Афғоний оғача қўлимдан тортган эди, қўлим чиқиб кетди, оғрикка қидолмай йиглай бошладим”.

Юз берган кўнгилсиз воқеани тасаввур қилиш мумкин. Биринчи галда Биби Мубораканинг ўзи учун жуда ноқулай вазият юзага келган эди. Чунки у билан кичик малика ўртасида бир-бирига нисбатан ҳақиқатан ҳам қучли мойиллик бор эди.

Гулбаданнинг кўли чиганогидан чиқиб кетганми ёки бирон-бир майда суяги синган эдими, бирон нарса дейиш қийин. Чунки Гулбадан бунинг тафсилотини ёзмаган.

Хойнахой, билак суяги ўрнидан кўзголиб кетган бўлиши керак. “Охири камонгарни олиб келиб, кўлимни боғладилар ва сўнг подшоҳ бобом билан Аграга қайтиб кетдик”. Бу Гулбаданнинг отаси Бобурни илк бор “подшоҳ” деб аташи эди. Афтидан, айни Хиндистонда кизалок “голиб”, “гозий”, “подшоҳ” сўзларининг туб моҳиятини, ўзининг аслзода подшоҳлар сулоласига мансуб эканини англай ва бу туйғудан ифтихор қила бошлаган эди. У бутун умри давомида ана шундай шарафли мансублик хиссиёти билан фахрланиб яшади. Подшоҳни “ота” ёки “бобо” деб аташ унинг ўз ихтиёрида эди. Чунки у отасининг ўзига бўлган меҳру мурувватини яхши хис қиларди. Бирок бундай оромбахш кунларнинг поёни кўриниб қолган эди: ҳарамнинг қолган қисми ҳам пойтахтга етиб келгани ҳақида хабар келган эди.

Аввалига ҳамма нарса жой-жойида бўлгандек, осойишталик ҳукм сурди. Ҳарам қарвони бошида Хонзода бегим қеларди. “Подшоҳ бобом ҳазратлари оқажоним — аммам ҳазратларини муносиб кутиб олиш учун у кишининг истикболига пешвоз чиқиб, Навгиронгача қелдилар. У улуг зот билан бирга ҳамроҳ бўлиб қелган бошқа бегимлар ҳам подшоҳ ҳузурига келиб, мамнун ҳолда он ҳазратларига ўз эҳтиромларини билдирдилар. Улар эсон-омон етиб келиб подшоҳ ҳазратлари билан дийдор кўришганлари учун шукрона қилиб, у кишининг ҳақиқага узундан-узук дуолар қилдилар ва шундан сўнг Агра томон йўлга чиқдилар.

Подшоҳ ҳазратлари бегим мақомидаги аёлларнинг ҳар бирига алоҳида турар жой ажратиб бердилар. Ёши улуг бегимлар, жиянлар ва яна бошқа баъзи яқин қариндош бўлган хонимларга ҳарамдан ташқарида алоҳида яшашлари учун руҳсат этилиб, шароит яратиб берилди.

“Қисқаси, — деб ёзади Гулбадан бу ҳақда, — ҳаммаси бўлиб тўксон олти кишига уй-жой ва бошқа хил ҳадялар берилди”. Бундан ташқари, подшоҳ ҳазратлари салтанат бош меъморига шундай буйруқ берди: “Мен сенга бир иш буюраман, яъни менинг аммаларим, мураббияларим учун зарур бўлган ҳар қандай иш бўлса, сўзсиз бажаргин”.

Подшоҳ ҳазратлари ҳар жума куни пешин намозидан кейин аммалари ва энагаларини зиёрат қилиб турардилар. “Бир куни ҳаво жуда исиб турган пайтда онам Мохим бегим ҳазратлари: “Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, бирор жума уларни кўргани бормасангиз, бегимлар ҳафа бўлмаслар”, — деди. Подшоҳ онам ҳазратларининг бу гапидан хайратга тушиб, шундай дедилар: “Мохим, сиздан бу гапнинг чиқиши таажжубдир. Ҳазрат Абусаид мирзонинг қизлари ўз оталари ва биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга, менинг ҳузуримга қелганлар. Агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?”

Ҳарамнинг бир жойга жойлашиб, жамулжам бўлиши анчагина эътирозлар, рашк ва ҳасадгўйликлар, ҳаттоки баъзи ўринларда кўзёши тўкилишига ҳам сабаб бўлди. Ана шу галвалардан ўзини олиб қочиш учун бўлса керак, подшоҳ ҳазратлари Мохимбегим, Гулбадан, эҳтимол, унинг сингилларидан бири ҳамроҳлигида шаҳарнинг сўлим жойларидан бирида бунёд этилган Зарафшон боғига бир оз ором олиш учун йўл олдилар. Шу кунларда Бобуршоҳнинг кўнгли хилватроқ масканни кўмсаб қолганини тушуниш мумкин эди.

“Бу боғда бир таҳоратхона қурилган эди, — дея баён қилади Гулбадан. — Уни кўрган

подшоҳ бобом: “Салтанат ва ҳукмдорликдан ҳам кўнглим колди. Шу Зарафшон богида бир гўшада ўтирсам. Менинг хизматимга Тохир офтобачи ҳам етиб ортади. Подшоҳликни Хумоюнга берсам”, — дедилар. Шу замон онам ва отамнинг ҳамма фарзандлари бу гапдан гамгин бўлиб, йиглашиб, “Худои таоло сизни хамиша подшоҳлик мансабида тутсин, кўп йиллар ва беҳисоб асрлар ўз паноҳида асрасин, ҳамма фарзандларингиз ўз кўл остингизда камолга етишсин”, дейишди.

Бирок ўшанда Бобурнинг кўнгли аллақандай нохушликни олдиндан сезганми ёки ҳаётдаги салбий ходисалар каттик таъсир этганми, харкалай, унинг дилида хотиржамлик сезилмас эди. Чунки, авваламбор, Гулбаданнинг тугишган укаси, Дилдор Огача бегимнинг бағрида тарбия топаётган ягона ўгли, унинг умиди ва куввати бўлган тўрт ёшли шахзода Алвор кутилмаганда вафот этган эди. Шахзоданинг бетоблиги кўнгилларга чуқур гашлик солади.

“Алвор мирзонинг тоби кочиб колди. Унинг касали корин огригига айланиб кетди. Ҳаким ва табиблар даволашга канча уринмасинлар, унинг дарди кундан кунга огирлашаверди. Охири шу дард билан фоний дунёдан бокий дунёга рихлат килди”.

Ўшанда шахзода Алвор тўрт ёшда эди. Бобур Хиндистонга келиши арафасида Дилдор бегим унга хомиладор бўлган эди. Суюкли ўглининг бевакт ўлиmidан Дилдор бегим ниҳоятда изтироб чекарди. “Ҳафалик хаддан ташқари ошиб кетгани боис подшоҳ хазратлари онамга ва бегимларга: “Юринглар, бир Дўлпурга бориб сайр этиб келайлик”, дедилар. Ўзлари кемага ўлтириб, саломатлик билан сувдан ўтдилар ва ўша куни Дўлпурга етиб бордилар. Бегимлар ҳам кемага ўтириб, сувдан ўтмокчи бўлдилар”.

Кемалар жуда хашаматли эди. Чодирлар, пар ёстиклар, хатто шохона турмуш тимсоли бўлмиш алвон ранг елканлар ҳам бор эди. Кемалар кафти юрак шаклида ясалган эшқаклар воситасида махсус эшқакчилар томонидан ҳаракатга келтирилар эди. Бундай эшқаклардан Кашмирда ханузгача фойдаланилади. Эшқакчилар аёллар жойлашган ва махсус пардалар билан ўралган хона ортида ўтиришарди. Кема ҳаракатини узун эшқак ушлаб олган дарга бошқариб борарди.

Дарё узра таралаётган ашула оханги, сув юзида бир маромда сузиш, мўътадил хаво Дилдор бегимнинг дилига бир оз таскин бергандек бўлди. Ўша жойда Мохим бегимнинг кўнглидан нималар кечгани, нима деганию нималар килгани ҳақида Гулбадан ҳеч нима демайди. У туккан онасининг бундай аздорлигини назардан кочирганми? Ахир, бу китобни ёзаётган даврида, яқиндагина у ҳам кичик ўгли Фарруҳдан жудо бўлган эди-ку. Дилдор бегимнинг мусибатига, албатта, Бобур ҳам шерик бўлган. Дарё бўйлаб ташкил этилган бу сайру томоша шундан далолат беради. Бирок тақдирга тан бермай наилож.

Ёш болалар ўлими ўша пайтда кенг тарқалган офат эди. Хиндистонга четдан келган болаларнинг кўпчилиги ичбуруг касали туфайли дунёдан кўз юммоқда эди. Буни каранги, орадан кўп ўтмай, Бобур билан Мохим бегим ҳам бу дардга мубтало бўлдилар.

Ҳарам Кобулдан чиқиб, Хиндистон сари йўл олганини эшитгач, ўн икки ёшидан бери Бадахшон ҳокими лавозимида ўтирган Хумоюн мирзо отасининг руҳсатисиз, уларнинг ортидан Хиндистонга қараб йўлга чиқди. У Комрон мирзо билан бу масалада келишиб, кичик шахзода ўн ёшли Хиндол мирзони Бадахшонга, ўзининг ўрнига юборишга қарор килди. Бу ҳол эса подшоҳ Бобурнинг Хиндол мирзони ҳарам ахлига ҳамроҳ бўлиб Аграга келиши лозимлиги ҳақидаги буйругини бажаришдан бош тортиш демак эди.

Бундан хабар топган подшоҳ дастлаб каттик газабланди. Салтанатнинг шимолий ҳудудлари чегараларини хавфдан ишончли тарзда химоя қилиш ва қулай фурсат пойлаб Амударёнинг нариги қиргогига ўтиш режалари унга кўпдан буён ором бермай келарди.

Бирок энди бу режаларга путур етадиган кўринади. Энди якин кишиларидан бирини Бадахшонга хоким сифатида жўнатиб, у ердан Хиндол мирзони чакириб олиши лозим.

Хумоюннинг болаларча килган ўзбошимчалиги анчадан бери отасининг режаларини барбод килиб келарди. Хиндистонни забт этишда ҳам Хумоюн ўз кўшини билан тезда етиб келиш хакидаги буйрукни бажармай, онаси багрида эркаланиб ётиб, кимматли вақтни бой берган эди. Бунинг натижасида юриш муддати ортга сурилиб, жанг талофат билан тугашига бир бахя колган эди. Лекин Хумоюн энди эркатоё бола эмас, балогат ёшига етган йигит эди. Гарчи фарзанди тақдир такозоси билан узок яшамаган бўлса ҳам, у оталик макомига эришган киши, ахир. Шу боис унинг хурмача киликларидан подшоҳ отасининг даргазаб бўлиши табиий, албатта. Бирок бу газабнок ҳолат узокка чўзилмади. Суюкли ўгли Хумоюн кўз олдида намоён бўлиши билан Бобурнинг эътирозларидан асар ҳам колмади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: "... ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тутиб, сўзлашиб ўлтуриб эдукким, ета-ўк келди. Кўнгиллар гул янглиг очилиб, кўзлар чирокдек ёруди... Ва алҳақ суҳбатта бебадал эрди ва инсонни комилким дерлар, ўшал эрди..."

Бобур Хумоюннинг Дехлига боришига ижозат берди, бирок Дўлпурдаги оромбахш, осойишта кунлар ниҳоялаб колган эди. Шу пайтда Дехлидан Хумоюннинг жиддий бемор экани ва "ахволи анча огир" экани хакида хабар келиб колди. Хатда "...Хазрат бегим тезлик билан Дехлига келсинлар, мирзо ниҳоятда бетокат бўлмокдалар", дейилган эди. "Бу хабарни эшитган замон онам хазратлари сабрсиизландилар, — деб ёзади Гулбадан. — Мохим бегим дарҳол Дехлига жўнади. Бу орада Хумоюнни дарё оркали кемада бу ерга олиб келишаётган эди. Йўлда улар учрашганда, "Хумоюн мирзонинг ахволи эшитганларидан кўра ўн баробардан ортик заиф ва мажруҳ эканини ўзларининг жаҳонни кўрувчи кўзлари билан кўрдилар. У ердан она ва бола худди Исо ва Марямдек Аграга кайтиб кетишди. Аграга етишган ҳам эдики, мен хакир опаларим билан бирга фаришта табиатли хазрат (Хумоюн)ни кўргани бордим.

У кишининг касали борган сари огирлашиб борар эди. Хар замонда хазрат хушларига келган вақтда гавхар сочувчи тиллари билан бизларга мурожаат килиб, хамшираларим, хуш келибсизлар, келинлар, бир-биримизни кучоклайлик, чунки сизлар билан кучоклашиб кўриша олмадим, дердилар".

"Подшоҳ хазратлари келиб беморни кўришлари биланок нуроний чехраларини кайгу ва алам туйгулари камраб олди". Бу туйгу борган сари чукурлашиб борарди. Шу орада "онам хазратлари Мохим бегим алам билан: "Сиз менинг фарзандим тақдирига бепарвосиз, чунки сиз подшоҳсиз, сизнинг бошка ўгилларингиз бор, нима гамингиз бор! Мен гам чекмай не килай, ахир, у менинг яккаю ягона фарзандим", дедилар.

Бегимнинг кайгу тўла юрагидан чиккан бу изтиробни эшитгач, Бобур уни дарҳол юпатишга интилди: "Мохим, гарчи менинг бошка ўгилларим бўлса ҳам, уларнинг биронтасини Хумоюнчалик яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бор давлатимни, салтанатни жаҳонда ягона, нодири замон севимли, ўглим — Хумоюнга багишламокчиман, бошкаларига эмас, дедилар".

Шахзодани оёкка тургазиш учун табиблар бор маҳоратларини ишга солиб харчанд уринмасинлар, ижобий натижа кўринмади. Хумоюн янада заифлашиб, холдан кета бошлади. Аёллар уни тиббий йўл билан даволаб бўлмаслигига ишонч ҳосил килиб, бемор хакига дуолар ўкиб, Худога илтижо кила бошладилар.

Шарқда шундай бир эътикод, ишонч борки, унга биноан, агар бирон кимсанинг — у аёлми, эркакми ёки ёш болами — ахволи огирлашиб колса, унинг энг кадрли ва азиз

нарсасини Аллох йўлида садака килиш лозим бўлади. Агар бу садакани Яратган ўз даргохида кабул килса, бунинг эвазига Аллох беморнинг жонини кайтариб беради, деган тушунчага биноан аввал дуо ўкилади, хозир бўлганларнинг барчаси биргаликда Парвардигорга илтижо киладилар; ундан кейин Аллохга муножот этувчи бемор атрофида айланиб илтижо килади. Фарзандининг холи тобора огирлашаётганини кўриб, Бобур унга ўз жонини бахшида этди. Бош вазир ва унинг садокатли мулозимлари бу журъатдан дахшатга тушиб ёка ушлайдилар: Бобур Хумоюн учун ўз жонини курбонликка атади!!!

Аркини давлат ва якинлари подшоҳни бу фикрдан кайтишини ўтиниб сўрадилар. Улар муттасил дуо ўкиб, Аллохнинг номини айтиб бетўхтов илтижо килишга, Худо йўлига Бобурнинг хазинасидаги Кўхинур номли дунёдаги энг кимматбаҳо йирик олмосни садака килишни таклиф этдилар.

Бунга жавобан Бобур:

“... дунё моли анинг ивазига нечук бўлмай, мен анинг фидоси килурменким, хол анга мушкул бўлибтур”, — деди. Гулбаданнинг ёзишича, “Подшоҳ хазратлари Хумоюн ётган кўшк атрофида айлана бошлади. Бу иш сешанба куни бошланди ва чоршанба ҳам илтижо билан ўтди. Хаво ўта иссик бўлганидан унинг юраги, жигар-багри олов каби ёниб ўртанарди. Бемор атрофида айланиб, Яратганга илтижо билан тавалло килар экан, у шундай деди: “Эй Парвардигор, агар жонга жон алмаштириш мумкин бўладиган бўлса, мен Бобурнинг жони ва борлигини олгину Хумоюннинг жонини саклаб қолгин”.

Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай хикоя килинади: “Ва андин ўтибдурким, мен анинг бетокатлигини токат келтургайман. Ўшул ҳолатга кириб, уч катла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор...”

“Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон хазрат подшоҳнинг товлари қочиб қолди. Шахзода Хумоюн эса ўз бошларидан сув қуйиб, ташқарига чиқди ва соғайиб кетди”, деб хикоя килади Гулбадан. Бобурнинг иситмаси тобора кўтарилар эди. Икки ёки уч ой мобайнида у дард билан олишиб ётди, аммо берган онтига амал қилиб, соғайиш чорасини қидирмади. Унинг атрофидаги аъёнлар, мулозимлар бунга ишонмас эдилар. Чунки улар ўз сардорини илгари ҳам бир неча бор ярадор, бемор, захарланган ҳолда кўрган эдилар. Ҳар сафар ҳам у бардош билан бирга дарддан хайратомуз тарзда тез фориғ бўлар эди. Бу сафар эса у соғайишдан бош тортиб, юзини девор томонга ўгирганча сукут саклаб ётарди.

Подшоҳ кундан-кун заифлашиб борар экан, соғлиги яхши бўлиб Дехлига жўнаб кетган Хумоюнга мактуб юбордилар. “У киши тезлик билан етиб қелди. Киблагоҳи билан кўришиб, отасини ниҳоятда холсизланган ҳолда кўрди. Хасрат тўла қалби тўлқинланиб, хўнграб йиглаб юборди ва табиблардан: “Мен уни соғлом ҳолда қолдириб кетган эдим, не хол юз берди?” дея сўради. Улар ҳам бир нималар деб жавоб берган бўлдилар. Бемор подшоҳ эса ўша ҳолатда ҳам: “Хиндол қаерда? У нима қилпти?” деб сўрарди. Тинимсиз “Эҳ, афсус, минг бор афсус, Хиндолни кўра олмадим, деб зорланар, ҳузурига қирганлардан “Хиндол қачон қелади?” деб сўрарди. У Хумоюндан кўра ўзига кўпроқ ўхшаган Комроннинг исмини нима учундир тилга олмасди. Бенгалияда отасининг салтанатини мустаҳкамлаш учун баҳодирларча жанг қилаётган Аскарый мирзони ҳам негадир эсламади. Эҳтимол, улардан кўнгли хотиржам бўлса керак. Чунки, уларга шахзодалик макомининг белгилари, яъни шохона либослар, байрок, шахзодалар саройга кириб чиқадиган пайтда тантанавор тарзда қалинадиган ногора ва кўшин сардори боши узра кўтариб юриладиган туг тўлигича берилган эди.

Бобур подшоҳ “касаллик асносида онамга (Мохимбегимга): Гулранг бегим билан Гулчехра бегимни куёвга узатиш керак, деб таъкидладилар”, деб ёзади Гулбадан. Дилдор бегимнинг кизлари бўлмиш у маликалар Гулбаданнинг опалари эди. Аммо Бобур Гулбаданнинг ўзи хақида бирон нима дегани маълум эмас. Эҳтимол, уни хали жуда ёш деб ҳисоблагандир. Балки ўзининг бўлажак илк рафикаси Ойша бегимга беш ёшлик чоғида унаштириб қўйилгани ва бу никоҳнинг қандай тугаганини эслаб, севиқли жажжи кизалогига ундай тақдирни раво қўрмагандир.

Подшоҳ кизларига бўлажак куёв сифатида икки нафар чигатой султонларининг исмларини тилга олади. Бу исмлар Мохим ва Дилдор бегимга, аниқроғи, бобурийлар хонадонининг онахони Хонзода бегим эътиборига хавола этилган эди.

Бу борада Гулбадан шундай деб ёзади: “Хазрат оқажоним эса, (яъни Хонзода бегим): “Худо муборак килсин, хўп яхши маслаҳат ўйлабдилар, дедилар”. Дархол шахзода ва султонларга одам юборилиб, саройга чорладилар. Уларнинг оёқлари остига поёндоз ёзилди. Уларга бир қатор куёвлик сарполари қийдирилиб, муборакбод килдилар ва тўйни ўтказиш муддати келишиб олинди. Мохим бегимнинг тақлифларига биноан бўлажак куёвлар тиз қўқиб, салтанат сохибига таъзим бажо айладилар.

Гулбадан доим меҳрибон, истараси иссиқ аммаси ҳузурида бўлишга ошиқарди, чунки шу дақиқаларда подшоҳ хазратларининг дарди яна хуруж қила бошлаган эди. Хумоюн подшоҳ отасининг оғир аҳволини қўриб, яна бетокат бўларди. Гулбадан Хумоюн мирзони аллақачон Хумоюн подшоҳ дея атарди. Бобурнинг холи кундан-кун оғирлашиб, муборак чехраси тундлашиб борарди.

Эртаси қуни барча амирлар, беклар ва султонлар ҳузури муборакка чорланиб, уларга қарата подшоҳ шундай дедилар: “Қўп йиллардан бери Хумоюн мирзога подшоҳликни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагида истикомат қилсам, деган фикрим бор эди. Аллоҳнинг марҳамати билан ҳамма нарсага муяссар бўлдим. Фақат биргина мана шу орзуим рўёбга чиқмай турган эди. Шу ниятимни вужудим соғ пайтда рўёбга чиқарсам, деган ниятим бор эди, бўлмади. Дард мендан қолиб келди. Сизларга айтадиган васиятим шуки, барчангиз Хумоюн мирзони менинг валиаҳдим деб билингиз. Унга садокат билан хизмат қилингиз. У билан бир тан, бир жон бўлингиз. Яратгандан умидим борки, Хумоюн мирзо ҳам ўз қишларига нисбатан яхши муомалада бўлади. Яна, Хумоюн, укаларингни, ҳамма қариндош-уруғларни, барча яқинларимни сенга, сени эса Худога топширдим. Худо барчангизни паноҳида асрасин”, дедилар.

“Бу сўзлардан, у ерда ҳозир бўлганлар, бу вазиятни қузатиб турганларнинг ҳаммаси хўнграб йиғлаб юбордилар. Подшоҳ хазратларининг муборак кўзлари ҳам жикка ёшга тўлди. Уч кун ўтгач, бу улуг зот фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар”.

Бобур 1530 йилнинг 25 декабрида ёруғ олам билан видолашди. “Фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошига қора кун тушди, — деб ёзади Гулбадан бу ҳақда, ўша мусибатли кунни йиллар оша изтироб билан эсларкан. — Ҳамма фарёд-фигон қўтариб, бетокат бўлардилар. Хар қим ўзининг махфий бурчагида мана шу қора кун дардини чекарди”.

Айниқса, Гулбадан учун бу мусибат ҳаммадан ҳам оғир кечди. Айнан ана шу кейинги ойларда у подшоҳ отасини яқиндан таниган, унга нисбатан жажжи қалбининг тўридан чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари уйғонган эди. Мохим бегимнинг юраги бир томондан қайғуга тўлган бўлса, иккинчи томондан, ўглининг отамерос тахтига эга бўлганидан чексиз фахрланарди.

“Эртаси қуни мусулмонлар тақвими бўйича жумодил аввал ойининг муқаддас жума

куни, 1530 йил 29 декабрда Хумоюн подшоҳ хазратлари тахтга ўтирдилар. У кишининг подшоҳлигини ҳамма муборакбод килди”, деб ёзади Гулбадан бегим.

Бобурни аввалига Жамна дарёсининг киргогига ўзи барпо этган Ором богига дафн этдилар. Бу бог ҳозирги кунда Тож Махал кад кўтарган жойнинг рўпарасида эди. Мохим бегим мотам ва таъзия маросимларининг тўла адо этилишини таъминлаб турди: кирк кун мотам тутилди, кечаю кундуз корилар қабр устида Куръон тиловат килдилар. Бу ишга олтмиш кишидан иборат хофизи Куръон жалб этилди, кунига беш вақт намоз ўкилди. “Онам эса ҳар кун икки махал ош ташкил килди. Бунинг учун эрталаб бир мол, икки кўй ва беш эчки сўйилди, кечкурун эса беш эчки сўйилиб қурбонлик килинди. Онам ўзи тирикликларида то икки ярим йилгача ҳар кун икки махал таом тайёрлашга бош бўлиб, бобом мозорларига багишлар эдилар”.

Мохим бегимнинг бу маросимлари тугагач, Бобурнинг энг кичик хотини Биби Муборика (Афгоний оғача) унинг жасадини Кобул шаҳрига, Бобур ўзи орзу қилган Боги вафога кўчиртириб келиб, дафн эттирди.